

Маҳалла ёшлари спорт машғулотларида

Фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан етук бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга. Юртнинг ободлиги, халқнинг фаровонлиги маҳалла ва қишлоқлардан бошланиши бор гап. Дарҳақиқат, ёш авлод вакилларининг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол улғайишида спортнинг ўрни беқиёс. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факултети “Мирзакалон Исмоилий” маҳалла ёшлари спорт тўғаракларига ташриф буюрдилар.



Умуман олганда, ёшларимизни ҳар жиҳатдан етук инсонлар қилиб вояга етказиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, чора-тадбирлар натижасида улар илм-у фанда, спортда ўзга юртлар ёшларидан асло кам эмасликларини исботлашмоқда. Зеро, ислохотлардан кўзланган эзгу мақсад ҳам ана шундан иборатдир. Маҳалладошлар, бир ерга жам бўлиб, дўстлик алоқалари, ҳамжиҳатлик туйғуларидан яна бир қарра диллари яйради.



**“Қишлоқ ва сув хўжалиги
энергия таъминоти” факултетининг Ёшлар
билан ишлаш декан ўринбосари О.Ҳабибуллаев
ТИҚХММИ матбуот хизмати**